



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 21 апрель, № 81 (7583)

Сешанба

Сайтимида ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: «САХОВАТ ВА КЎМАК» УМУМХАЛҚ ҲАРАКАТИ — ДАВЛАТИМИЗ ВА ХАЛҚИМИЗ ҚУДРАТИНИНГ АМАЛИЙ НАМОЁНИДИР.

АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ ҲАМДА ҚУРИЛИШ ВА ИНФРАТУЗИЛМА ТАРМОҚЛАРИ ФАОЛИЯТИ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 апрель куни санаот, қурилиш ва инфратузилма тармоқлари корхоналарининг тўлиқ ишлашини таъминлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Мамлакатимизда коронавирус эпидемиясига қарши ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар натижасида кўпгина ҳудудлар бу хавфдан сақлаб қолди. Шунга қарамай, аксарият вилоят ва туманларда корхоналар ўз ишини тўхтатган ёки тўлиқ қувват билан ишламаётган. Бу ҳолат ҳудудлар иқтисодиёти ва ижтимоий соҳага, оддий қилиб айтганда, аҳоли ҳаётига салбий таъсир қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари йиғилиш аввалида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида тўхталиб ўтди. Вақтинча ишламаётган ва ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлаб, уларни манзилли асосда озик-овқат ва дори-дармон билан таъминлаш кўламини янада кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Хозирги пандемия шароитида ишсизлар, ёрдам ва кўмакка муҳтож аҳоли сони ортиши табиий. Турли мамлакатлар касалликка қарши курашиш бораборада иш жойларини сақлаб қолиш ва иқтисодиёт кескин таназзулга учрамастлиги учун бор имкониятларини ишга солмоқда.

Бутун дунёда бўлгани каби бу мураккаб жараён Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Албатта, халқимизни таъминлаш учун ҳам, иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш учун ҳам мамлакатимизнинг захиралари ва имкониятлари етарли.

Шу боис Президентимиз халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини, меҳр-саховат, оқибат ва ғанимат каби юксак фазилатларини инобатга олган ҳолда, «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш ташаббуси илҳами сурди.

— **Яқин кунларда барчамиз учун муқаддас бўлган Рамазон ойи кириб келади. Бу ойда эҳтиёжманд ва муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш ҳам қарз, ҳам фарздир. Шунинг учун ушбу муқаддас ойда ҳар бир тадбиркор**

ўзи фаолият юритаётган ҳудудда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини, аввало, маҳалладошлари, кўни-қўшниларини фаол қўллаб-қувватлаш максадга мувофиқ, — деди давлатимиз раҳбари.

Бунинг натижасида Рамазон ойида амалга оширилган аҳсон ва хайриялар манзилли бўлади, ифторликларга сарфланган маблағлар ва озик-овқат маҳсулотлари аҳолининг кам таъминланган қатламларига йўналтирилади.

Имкониятдан келиб чиқиб, қайсидир тадбиркор бир ойда мисол учун, 10 та, бошқа бири эса 20 та оилага кўмаклашиши, энг муҳими, муҳтож оилалар аъзоларини ишга жалб қилиши мумкин. Давлат томонидан ўз навбатида, бундай тадбиркорларга солиқ, лизинг, кредит тўловлари, зарур ресурслар билан таъминлаш бўйича турли имтиёз ва преференциялар берилди. Яъни бу аҳолига давлат томонидан тадбиркорлик субъектлари орқали кўрсатиладиган саховат ва кўмак бўлади.

Бу жараёнда йирик корхоналар, уларнинг жойлардаги таркибий бўлинмалари, фермерлар ва кластер ҳужаликлари ҳам ихтиёрий қатнашиши муҳим экани таъкидланди.

Ушбу ташаббус Савдо-саноат палатасининг жойлардаги бўлимлари, банклар, ижтимоий муҳофаза идоралари ҳамкорлигида амалга оширилиши белгиланди.

— **«Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати давлатимиз ва халқимиз қудратининг амалий намоёнига айланишига ишонаман, — деди Президентимиз.**

Мавзунинг давом эттирар экан, давлатимиз раҳбари Республика комиссиясига коронавирус умуман аниқланмаган ёки эпидемиологик вазият яхшилانган вилоят, туман ва шаҳарларда карантин чекловларини босқичма-босқич юмшатиш чораларини кўриш бўйича топшириқ берди.

Фаолият тикланган объектларда ишлар санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда ташкил этилади.

Аҳоли бандлиги ва иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш борасида катта имкониятларга эга «драйвер»лардан бири қурилиш соҳаси ҳисобланади. Хусусан, бу тармоқ 1 миллион 325 минг нафар аҳолини иш билан таъминлайди, бошқа санаот йўналишлари учун ҳам талаб яратди. Шу боис карантин даврида қурилиш ҳажми камайишига йўл қўймаслик мақсадида бу соҳага қўшимча 3,6 триллион сўм маблағ ажратилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида қурилиш ишлари ҳажми 6,5 фоизга ўсган бўлса-да, ўтган йилнинг шу давридагидан 4 фоизли бандга оракда қолмоқда.

Йиғилишда қайд этилганидек, карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда, барча қурилишларни давом эттиришга рухсат берилди. Ички ишлар вазирлигига соҳа корхоналари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларнинг ҳаракатланишига шароит яратиш вазифаси қўйилди.

Жорий йилда 30 минг хонадонли кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Лекин 25 та шаҳарда бунинг учун ер майдонлари ҳалигача ажратилмаган. Ипотека кредити олиш бўйича аризаларни кўриб чиқишда ҳам сусткашликка йўл қўйилган.

Йиғилишда бу камчиликларни тез кунларда бартараф этиш, кўп қаватли уйлар учун ери аҳоли талаблари юқори бўлган ҳудудлардан ажратиш зарурлиги таъкидланди.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан хусусий пудрат ташкилотларига кредитларнинг фоиз ҳаражатларини қисман қоплаш ва кредит суммасининг 50 фоизгача қафолат бериш механизми жорий этилиши белгиланди. Янги тартиб асосида берилаятган

ипотека кредитлари муддатини 15 йилдан 20 йилга узайтириш, шунингдек, ипотека кредитининг энг юқори чегарасини бозор талаблари асосида кўпайтириш лозимлиги қайд этилди.

Қурилиш сифатини ошириш, соҳа корхоналари фаолиятини баҳолаш рейтингини ва электрон тендер тизимини ишга туширишни жадаллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда қурилиш материаллари бозори билан боғлиқ масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Карантин даврида мазкур индустрия корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми 30 — 40 фоизга камайган. Ўз навбатида, ҳам ашё маҳсулотлари ҳам сотилмай қолган. Шундан келиб чиқиб, «Ўзқурилиш-материаллари» акциядорлик компаниясига биринчи ярим йилликда маҳсулот ишлаб чиқаришни 10 триллион сўм ва йил охиригача 22 триллион сўмга етказиш вазифаси қўйилди. Бу кўрсаткичларни таъминлашда экспорт бозорлари асосий имконият ҳисобланади.

Импорт ўрнини босувчи маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Ўртимизда бунинг учун зарур ҳам ашё олиш мумкин бўлган 275 та истикболли кон мавжуд. Мисол учун, Ҳозирда 52 миллион долларлик 14 та лойиҳа ишга туширилмоқда. Президентимиз конларни ўзлаштириш орқали шундай самарали лойиҳаларни кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

Жорий йилда энергия тежамкор қурилиш материаллари тайёрлаш бўйича 7 та лойиҳани ишга тушириш, келгусидаги объектларни лойиҳалашда ушбу маҳсулотлардан фойдаланишни назарда тутиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Карантин даврида муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси қурилишига Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан қўшимча 1,5 триллион сўм, хусусан, сув таъминоти бўйича 55 та лойиҳага 500 миллиард сўм ва йўл қурилиши бўйича 1 минг 547 та

лойиҳага 1 триллион сўм маблағ ажратилди.

Йиғилишда бу лойиҳаларнинг ижроси ҳам қўриб чиқилди. Пудратчиларни аниқлаб, қурилиш ишларини тез фурсатларда бошлаш муҳимлиги қайд этилди.

Пандемия сабабли халқаро молия ташкилотлари маблағлари иштирокидаги лойиҳалар ҳам тўхтаб қолган эди. Хусусан, ичимлик суви тизимини яхшилаш ҳамда йўл қурилиши соҳасида шундай муаммолар мавжуд.

Хозирги вазиятдан келиб чиқиб, бундай лойиҳаларга тендер орқали маҳаллий пудрат ташкилотларини ҳам жалб қилиш бўйича тавсиялар берилди.

Давлатимиз томонидан маҳаллий бюджетлар даромадини ошириш, хусусан, йўл қурилиши учун маблағларни шакллантиришга барча шароит яратилди. Энди ҳудудлар республикадан маблағ келишини кутиб ўтирмасдан, ички йўлларни ўзлари таъмирлаш зарурлиги айтаётган бўлди.

— **Умуман олганда, уй-жой қурилиш бўладими ёки инфратузилма объектларини, қурилиш соҳаси янги иш ўринларини яратиш, бозорда талаб ва таклифни шакллантириш, пировардида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун катта имконият ва захира ҳисобланади. Тармоқ раҳбарлари бугунги йиғилишда ўзларига юклатилган масъулятни чуқур ҳис этиб, ишни тўғри ташкил этсалар, иқтисодий инқироздан имкон қадар кам йўқотишлар билан чиқамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Давлатимиз раҳбари қайси соҳани муҳокама қилмасин, қандай қарорга қўл қўймасин, энг аввало, бу оддий одамларга нима беради, деган нукта назардан келиб чиқиб иш тутади. Бугунги видеоселекторда берилган топшириқлар, белгиланган вазифалар ҳам одамларни иш билан таъминлаш, даромадини ошириш, бунёдкорлик ишларини давом эттириб, ўртимизни янада фаровон қилишга қаратилгани билан аҳамиятли.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СИРИЛ МЮЛЛЕРНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА



Мамлакатимиз иқтисодиётида кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш ва устувор тармоқлардаги модернизация дастурларини рўёбга чиқаришда стратегик шерик ҳисобланган Жаҳон банки гуруҳи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги кўп қиррали ва самарали ҳамкорликни шакллантириш ва ҳар томонлама мустақамлашга, банк-молия, солиқ-бюджет, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги тўб ўзгаришлар жараёнига қўшаётган шахсий ҳиссаси, шунингдек, йирик инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини рўёбга чиқариш борасидаги амалий кўмаги, Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини ошириш йўлидаги улкан

саъй-ҳаракатлари ҳамда Марказий Осиёда дўстлик, яхши кўшничлик ва ўзаро манфаатли шериклини чуқурлаштиришга қаратилган ташаббусларни фаол қўллаб-қувватлаётгани учун Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақалари бўйича вице-президенти Сирил Мюллер Ўзбекистон Республикасининг «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 20 апрель

Ў.А.

Хитойлик эксперт:

Бу қийинчиликлар давлат ва халқ бирдамлиги билан енгиб ўтилади

Авал хабар берганимиздек, яқинда 15 нафар хитойлик шифокор ва тиббиёт мутахассисларидан иборат гуруҳ COVID-19 билан курашишдаги чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш максадига Ўзбекистонга келди.

Ушбу гуруҳ раҳбари, Хитой Халқ Республикасининг Цзянся провинцияси соғлиқни сақлаш департаменти бошлиғи ўринбосари Лоу Лишэн «Халқ сўзи» газетасига эксклюзив интервью берди.

Эксклюзив интервью

— **Жаноб Лишэн, бугун дунё «коронавирус», деб аталмиш офат билан курашмоқда. Бу муҳим синовда Хитой катта тажриба тўплайди. Айтингчи, ушбу эпидемияга қарши курашда мамлакатингиз қандай чораларни қўлади? Уларнинг муҳим жиҳатларини гапириб берсангиз.**

— Чиндан ҳам, мазкур вирус халқ ва давлатни катта синовларга рўбарў қилди. Иқтисодиёт ва аҳоли турмуш тарзи қийин аҳволга тушиб қолди. Коронавирус бошқа вируслардан тубдан фарқ қилади. Унинг бир инсондан иккинчисига ўтиш тезлиги жуда юқори ва осон. Шу сабабдан амалга оширилиши керак бўлган энг тўғри йўл, бу

чекловлардир. Яъни вирусни юқтирган киши бошқа одамларга тарқатмаслиги учун барча чекловларни қўллаш муҳим саналади. Хитой вирус кенг тарқала бошлаганидан кейин чекловларни жорий қилишга мажбур бўлди. Мамлакатимиз раҳбари Си Цзиньинг топшириғи билан ҳар бир ҳудудда карантин тадбирлари қўлланила бошланди. Касалликни юқтирган ҳар бир инсон ва у билан мулоқотда бўлганлар карантин зоналарига олиниб, назорат қилинди. Фақат шу йўл орқали биз бу касаллик оғир оқибатларга олиб келишининг олдини олдик.



➡ 3

Тадбиркорлик

Ҳимоя қилиш кўрсаткичи юқори бўлган тиббиёт ниқоблари ишлаб чиқариш бошланди

Пойтахтимизнинг Олмазор туманида «Узэлтехсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи «Quality Electronics» корхонаси қисқа муддатда фаолият бошлади. Юз нафардан ортиқ ишчи-ҳодимлар меҳнат қилаётган мазкур корхонада барча карантин қоидаларини ўрнатилган. Кириш ва чиқиш қатъий назорат тартибиде, тиббиёт ходимлари текшируви остида олиб борилмоқда. Жамоа юқори сифатли, халқаро талабларга мос, ишончлилик ва ҳимояланиш даражаси 95 фоиз бўлган «KN-95» русумидаги тиббий ниқоблар ишлаб чиқариб, тегишли ҳудудларга, карантин шифохоналарига ва аҳолига етказиб бермоқда.



➡ 3

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 20 апрель

Хотин-қизлар манфаатлари қонун ҳимоясида

Карантин чекловлари кўплаб оилалар учун айрим ноқулайликларни туғдиргани бор гап. Агар оилада болача ва мактаблардан озод қилинган болалар бўлса, улар билан кимдир шугулланиши керак. Кундалик уй юмушларию катта ёшдаги инсонларга хизмат қилиши айтмаса ҳам бўлади. Ишлайдиган жуфтликлар ҳаётида шаклланиб улгурган тартибнинг бузилиши оиладаги гендер тенгликка жиддий таъсир кўрсатади. Жаҳон миқёсида кечаётган жараёнлар ҳам шундан далolat бериб турибди. Жумладан, кўпгина мамлакатларда ажримлар сони ортган.

Нуктаи назар

Шуни ҳисобга олган ҳолда, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси томонидан оиладаги эърозонликдан азият чеккан жабрдида аёллар ҳимояси алоҳида назоратга олинди. Бунда, айниқса, ҳуқуқ-тартибот органлари билан яқиндан ҳамкорлик олиб борилиб, маълумот алмашинуви йўлга қўйилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тақдим этилган ахборотга кўра, 16 мартдан 9 апрелга қадар вазирилик таъминлаш бўлимида кўпчилик аёллардан 203 та мурожаат келиб тушган. Шундан 180 та ҳолатда "Хотин-қизларнинг таъминоти ва эърозонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун талабига мувофиқ, хотин-қизларга ҳимоя ордери расмийлаштириб берилган. 23 та ҳолатда эса ички ишлар органлари ходимлари томонидан маҳалла фаоллари ва тегишли тузилмалар вакиллари билан биргаликда олиб борилган тушунтириш ишлари туфайли оила аъзолари яраштирилган. Ушбу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Гендер тенглик масалалари бўйича комиссияси томонидан карантин пайтида

хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ички амалий ишлар олиб борилмоқда. Мазкур комиссия ташаббуси билан карантин даврида айрим нотинч оилаларда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш, хотин-қизларга нисбатан бўлаётган таъйиқ ва эърозонликларнинг олдини олиш мақсадида "Телеграм" мессенжерига "Аёллар учун ҳимоя" янги канали фаолият йўлга қўйилди. Бу канал орқали оилада таъйиқ ва эърозонликка учраётган хотин-қизларга ҳуқуқий маслаҳат ва психологик ёрдам кўрсатилади.

Шунингдек, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга нисбатан таъйиқ ва эърозонликнинг олдини олишга қаратилган "Ишонч телефони" ташкил қилинди. Унга кўнгилроқ қилиб, ҳуқуқшунос, психолог ва операторга уланиши мумкин. "Ишонч телефони"га келиб тушган мурожаатларни ҳал этишда Олий Мажлис Сенати, Гендер тенглик масалалари бўйича комиссияси, унинг қошидаги ННТ бирлашмаси аъзолари, Ички ишлар вазирлиги, ҳокимиятлар ҳамда Самарқанддаги "Раҳмдиллик" ННТ, Навоий вилоятидаги "Имконият", Қарши шаҳридаги "Юксалиш", Тошкент вилоятидаги Реабилитация маркази, Фарғона вилоятидаги "Меҳржон", "Барқарор ҳаёт" ННТ томони-

дан амалий ёрдам берилди. Масалан, 10 — 16 апрель кунлари "Ишонч телефонлари" орқали жами 121 та мурожаат бўлди, шундан 16 тасида жимсоний ва психологик эърозонлик ҳолатлари аниқланди. Юристка 48 та мурожаат келиб тушди, шундан 9 таси эърозонликдан, 39 таси аёллардан. Мурожаатлар, асосан, оиладаги эърозонлик, ажрим масалалари, бола тарбияси масаласида юзага келаётган низолағар алоқадор.

Мурожаатларнинг катта қисми руҳшуносларга бўляпти. Жумладан, 10 — 16 апрелда 25 та мурожаатнинг ҳар бирига психолог томонидан телефон орқали сеанслар ўтказилди. Эътиборлиси, "Ишонч телефони" хизматида ишлаётган етук психологлар томонидан аёлларга маслаҳат берилаётганда, аввало, оилани сақлаб қолиш, ҳар қандай низоли тинч йўл билан ҳал этишга аҳамият қаратилади.

Айрим нотинч оилалардаги низоли ҳолатлар бўйича қатъий чоралар қўришга тўри келаётганлигини ҳам айтиш жоиз. Бундай пайтда уларга "ҳимоя ордери" бериш йўлга қўйилди. Биргина карантин даврида 180 та ҳолатда "ҳимоя ордери" тақдим этилди.

Носирбек АБДУЛЛАХОНОВ,
Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси раиси ўринбосари.



ТОМОРҚАДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ БУГУН НИМА УЧУН МУҲИМ?

Томорқадан унумли фойдаланиш масаласи бугун энг кўп муҳокама қилинаётган, тилга олинаётган мавзулардан бири бўлиб турибди. Ҳўш, бу ролдан ҳам шунчалик муҳимми? Келинг, мазкур саволга айни пайтда дунёдаги озиқ-овқат таъминоти билан боғлиқ вазиятдан келиб чиқиб жавоб беришга уриниб кўрсак.

Озиқ-овқат хавфсизлиги

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (ФАО) бундан бир неча ой олдин жаҳондаги 820 миллиондан зиёд аҳоли очлик азобини чекишига мажбур эканини маълум қилганда. Экспертлар ҳозир Ер юзиде ҳўк сураётган коронавирал пандемияси туфайли мазкур кўрсаткич икки баробар ортиб, 1,5 миллиарддан ортиши мумкинлигини айтмоқда. Бу дунё аҳолисининг ҳар беш нафаридан бири озиқ-овқат етишмовчилигига дуч келади, дегандир.

Шу боис Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти бош директори Донго Ку ҳўкumatларни аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш учун барча чорани кўришга, хусусан, қишлоқ ҳўжалигига эътиборни қўйишига чакирди. Рўй бериши эҳтимоли жуда катта бўлган инқироз арафасида бу борада қатъий назорат ўрнатилган нормал ҳўлат ҳисобланганини таъкидлаган.

Бундан ташқари, экин экиш мавсумида қишлоқ ҳўжалигига банд бўлган одамларнинг аксарияти карантин шароитида қолаётгани ҳам дунё бўйлаб озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ишларига салбий таъсир кўрсатиши эҳтимолини юзага келтиряпти. Масалан, Франция қишлоқ ҳўжалиги вазири Дидье Гийом ўз мамлакатини бу со-

ҳада катта талафот кўриши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди. Шунга қарамай, айни пайтда Францияда қишлоқ ҳўжалигига банд бўлган 200 миң кишининг атиги 40 миң нафари далада меҳнат қилмоқда. Натижада экиш мавсуми кечикиб кетаяпти. Аниқроғи, муҳим палла ўтказиб юборилмоқда. Афсуски, бундай ҳўлат кўплаб мамлакатларда кузатилаётган.

Умуман, кўплаб давлатлар озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса, стратегик маҳсулотлар экпортини чеклашга ўтаяпти, иқтисодий ривожланган давлатлар импортини ошириш ҳисобида ўз захираларини мустаҳкамламоқда. Мисол учун, кўни кеча Евросоюз иқтисодий иттифоқи ун, гречка, гуруч ва қатор маҳсулотлар экпортини тўхтатди. Иттифон таркибидеги Россия ва Қозоғистон ун экпортичилари орасида дастлабки ўнталлик қиришини инобатга оласак, дунё бозорида катта танқислик рўй беришини тахмин қилиш қийин эмас.

Жаҳонда гуруч экпорти бўйича учинчи йирк давлат — Вьетнам ҳам ўз захирасини тўдириш мақсадида экпортини 7 баробар қамайтирган. Энди ушбу мамлакат дунё бозорига 5,4 миллион тонна эмас, балки 800 миң тонна гуруч сотаяпти.

Оқибатда озиқ-овқат маҳсулотларининг фўйчерс нархлари ошяпти. Шундай жараёнлардан келиб чиқиб, нуфузли тадқиқот марказлари ҳам яқин ойлари ичида халқаро бозорларда озиқ-овқат маҳсулотлари баҳоси кескин кўтарилиши ҳақида бонг урмоқда.

Ўзбекистон нуктаи назаридан ушбу ҳўлатга икки фокусда қараш мумкин. Биринчидан, бу жараёнлар, шўбҳасиз, юртимиз озиқ-овқат бозорига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Чўнки биз шакар, картошка, гречка, ўсимлик ёғи каби стратегик маҳсулотларнинг катта қисмини ва қисман уни импорт қиламиз.

Иккинчидан эса, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун ҳам иқлими, ҳам шароити қулай бўлган Ўзбекистон учун бу катта иқтисодий имконият. Яъни аввало, юртимиз аҳолисини доимий равишда арзон маҳсулотлар билан таъминлаш, ортган қисмини экспорт қилиш ҳисобида юқори даромад олишимиз мумкин.

Муҳими, мамлакатимиз раҳбарияти бундай ризкардан яхши хабардор ва озиқ-овқат хавфсизлиги билан жиддий шугулланыпти. Президентимиз ҳўкumat олдида озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлаш, захираларини мустаҳкамлаш борасида бир нечта муҳим вазифаларни қўйди. Ўз навбатида, томорқалардан самарали фойдаланиш бўйича ҳам долзарб вазифалар белгилаб берилган.

Бу жараёнда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар, дейлик, сув танқислиги, арзон нархларда ўғит ва сифатли уруғ етказиб бериш масалаларини тезкор ва ижобий ҳал қилиш юзасидан ҳам давлат идора-

лари, маҳаллий ҳўкимликлар зиммасига катта масъулият юклатилган. Шундай қилиб, ҳўкumat олдида 2020 йилда мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини 2 баробар ошириш, қорамол боқиси бўйича 74 та оилавий кооперация фаолиятини йўлга қўйиш, ҳар бир оилага парранда боққан даври учун 500 миң сўмдан рағбатлантириш, асал ишлаб чиқариш ҳажмини 5 баробар қўпайтириш, бунинг учун хонадонларга асалари уяларини тарқатиш бўйича вазифалар ижроси турибди.

Охириги уч ойда Ўзбекистонга кириб келаётган ун ҳажми 50 фоиз, дон импорти эса 31 фоиз қамайгани ҳисобга олиниб, қишлоқ ҳўжалиги вакиллари бу мавсумда галла ҳосилдорлигини қўшимча 20 центнер қўпайтириш, гектаридан қамиде 70 центнердан ҳосил олишни кўзляпти. Шунингдек, 10 миң гектар янги бон ва 9 миң гектар тоқзорлар орасига картошка, сабзи, пиёз, саримсоқпиёз, кўкат, нўхат, мош, ловия, помидор, бодиринг, булғор қалампир ва полиз экинлари экиш чоралари кўриляпти.

Буларнинг барчаси юртимизнинг яқин икки-уч йил ичида озиқ-овқат билан боғлиқ иқтисодий позициясини янада яхшилашга қаратилган саъй-ҳаракатлардир. Зеро, Осиё тараққий банкиннинг сўнгги прогнозида ҳам Ўзбекистон 2020 йилда ўз иқтисодиётини, шу жумладан, қишлоқ ҳўжалигидеги фаоллик ҳисобида кўтариши мумкинлиги қайд этилган.

Бобур БЕКМУРОДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЕОИИ ҳамкорлиги масаласида етти ўлчаб, бир кесиш зарур

Президентининг Шавкат Мирзиёев Олий Мажлиса Мурожаатномасида Ўзбекистоннинг ЕОИИдаги иштирокини халқ фикри, халқ иродасига асосланган ҳолда парламент белгилаши кераклигини таъкидлаган эди.

Депутат фикри

Шунга кўра, парламентдаги депутатлар, фракциялар, жумладан, "Адолат" СДП ҳам бу масала бўйича ўзининг дастлабки муносабатини билдирди. Ҳозирги карантин шароити мамлакат учун озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи нақадар муҳимлигини яна бир бор кўрсатиб берди. Бунинг таъминлашда эса қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш, унинг импорти, экпорти муҳим ўрин эгалляпти.

ЕОИИда Ўзбекистоннинг иштироки бу соҳага қандай таъсир кўрсатади? Ўз навбатида, Ўзбекистон мазкур иттифон билан ҳамкорликнинг қуйидаги ижобий ва салбий томонларига эътибор қаратиши лозим:

ЕОИИ билан ҳамкорликда хизматлар соҳасида ягона транспорт макони ташкил этилади. Бу эса халқаро ташишлар борасида рўхсат бериш тартибларини соддалаштириш, йўловчиларнинг юклар ва транспорт воситаларининг эркин ҳаракатланишини таъминлайди.

Қишлоқ ҳўжалигидеги божхона тартибларини соддалаштириш ҳисобидан тадбиркор, фермерларимиз учун улкан бозор эшиклари очилади. Улар ўзлари етиштирган маҳсулотларни тўғридан-тўғри экспорт қила бошляпти. Натижада ЕОИИ давлатларига Ўзбекистондан мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш самарадорлиги бири йилда қўшимча 350 млн. АҚШ долларига ошиши мумкин.

Аммо бу ҳўлат ички бозоримизда ушбу маҳсулотлар тақчиллигини юзага келтириб чиқариши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Бу эса бозорларимизда мева-сабзавот нархлари ошмишига сабаб бўлади.

Худди шундай ҳўлатни гўшт маҳсулотлари мисолида ҳам таҳлил қиламиз. Ҳозирги кунда мамлакатимизда чорвачилик маҳсулотни экспорт қилиш бўйича маҳкамаси рўхсати билан тўйинмаётган айни бир шароитда ҳеч қим гўштни тўғридан-тўғри экспортга чиқариб юбора олмайдим. ЕОИИга аъзоллик эса мазкур тартибни бекор қилади. Натижада тадбиркорларимизнинг гўшт экспортига ўтиб кетиши ўзи шундоқ ҳам тақчил бўлиб турган ички бозоримизда нархнинг сезиларли кўтарилишига олиб келади.

Бундан ташқари, ички бозорни тўйинтириш учун учинчи мамлакатлардан импорт қилинаётган гўшт маҳсулотлари ҳам биз учун қим-

матга туша бошляпти. Амалдаги тартибга кўра, мамлакатимизга тирик ҳайвонлар олиб киришга, шунингдек, уларнинг гўшти учун импорт божини 0 фоизга ташкил этади. Яъни ҳозирги кунда юртимизга гўшт маҳсулотларини бож тўловларисиз олиб киришимиз.

ЕОИИда эса тирик ҳайвонлар олиб киришга 5 фоиз, гўшт олиб киришга эса 15 фоиз импорт божини қўйилади. Кўриб турганингиздек, ҳамкорлик йўлга қўйилганидан кейин учинчи мамлакатлардан импорт қилаётганимиз — тирик ҳайвонлар нархи 5 фоизга, гўшт маҳсулотлари нархи 15 фоизга кўтарилади.

Шу билан бирга, ЕОИИда иштирок этиш бир қатор соҳаларда кўплаб ўзгаришларни амалга оширишни талаб қилади.

Биринчидан, санитария назорати масалалари бўйича Ўзбекистонда амал қиладиган санитария-гигиена қондалари ва нормаларини ЕОИИ Ягона санитария-эпидемиология ва гигиена талабларига ҳамда лабораторияларини озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича жиҳозлаш талабларига мувофиқлаштириш зарур.

Иккинчидан, фитосанитария назорати масалалари бўйича карантин объектлар ва карантин остидаги маҳсулотларнинг ягона рўйхати, лаборатория диагностикаси ва чегара фитосанитария назорат постларини жиҳозлашга қўйиладиган талаблар бўйича мавжуд тафсилотларни бартараф этиш лозим.

Учинчидан, ветеринария назорати масалалари бўйича ветеринарияни ўтказиш механизмининг ва ветеринария назорати объектлари ва товарлари ягона рўйхатини, замонавий ускуналар билан жиҳозлаш юзасидан инфратузилмага (лабораториялар ва чегара пунктларига) қўйиладиган талабларни мувофиқлаштириш билан боғлиқ масалалар бор.

Юқоридаги ҳўлатларни ЕОИИ талабларига мослаштириш учун ҳўкumatнинг ҳисоб-китобларига мувофиқ, 1 миллиард доллар атрофида маблағ талаб этилади.

Умуман олганда, халқаро тузилмалар билан ҳамкорликни йўлга қўйишда ҳар биримиз масалани етти ўлчаб, бир кесишимчи зарурлиги янада ойдинлашмоқда.

Дилрабо ХОЛБОЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
"Адолат" СДП фракцияси аъзоси.



Ҳудудларда кўчатлар савдоси йўлга қўйилмоқда

Жорий йилнинг 8 апрель куни Президентимиз раислигида коронавирал пандемиясига қарши курашишда жойлардаги ишлар натижадорлиги таҳлили ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли бандлиги ва даромаддини оширишнинг муҳим манбаи бўлган томорқачиликни ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йўғилишида одамларнинг ўзи шароитида меҳнат қилиб, рўзгорини тебратishi, оиласига барака киритishi муҳим аҳамиятга эга экани яна бир қарра алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, халқимиз жуда меҳнатқаш. Ҳар қарч ердан самарали фойдаланишга интилади. "Тангадай жой"да иссиқона ташкил этиб, резавор етиштиради, кўчатлар экиб, бонг яратди, чорвачилик ва паррандачилик билан шугулланади.

Ҳозирги мураккаб шароитда бу ишлар ҳар қачонгидан кўра кўпроқ масъулият талаб қилади. Халқимиз шунини чўқур ҳис этиб, ердан икки-уч марта ҳосил олса, нур устига аъло нур бўларди. Албатта, мазкур жараёнда биз, сенаторларнинг ҳам кўмаги зарур. Шу боис карантин қондаларига қатъий риоя қилган ҳолда, деҳқон ва томорқа ер эгаларига яқиндан

ёрдамлашяпмиз. Деҳқон ҳўжаликлари ҳамда аҳоли томорқа ер участкаларида қишлоқ ҳўжалиги экинлари экилиши ҳўлати мунтазам ўрганиб борилмоқда.

Фикримизни Наманган вилояти мисолида давом эттириш. Бугунги кунда худудда 372365 та деҳқон ҳўжалиги ва томорқа ер эгалари мавжуд бўлиб, улардаги 19898 гектар майдондан 19804 гектарига мавсум бошидаёқ экинлар экилди. Қолган 1353 та деҳқон ҳўжалиги ва томорқа ер эгаларининг 94 гектар экин майдонини бўйича қатъий назорат ўрнатилди ҳамда 1500 га яқин деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари томонидан 67 гектар майдондан са-

марали фойдаланишга эришилди.

Томорқачилар мурожаатлари асосида уларга яқиндан кўмаклашяпмиз. Масалан, Наманган шаҳридаги Антанган Гузар, Ишонч ва Чаманзор маҳаллаларидаги хонадонларда экин экиш ҳўлати ўрганилиб, улардаги узумзор ва боғларга қиммий дорилар, минерал ўғитлар заруриги аниқланди. Шунингдек, маҳаллаларда қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик ва паррандачилик билан шугулланаётганлар учун озуқа-ем кўмача дўконлари ташкил этиш тақлифлари билдирилди. Ҳозир ҳар икки масалани ҳал қилиш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда.

Айтиш жоизки, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида жойларда ҳўкимликлар, маҳалла фўқаролар йиғинлари, деҳқон бозорлари билан ҳамкорликда кўмача расталар ташкил этилиб, одамлар учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда томорқага экиш учун қўчатлар савдоси йўлга қўйилмоқда.

Бахтиёр УМАРОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа фанимат

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг 2020 йил 13 апрелдаги "Деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини янада оширишга доир чор-тадбирлар тўғрисида"ги қўшма қарорига мувофиқ, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, жойларда унинг ижроси бошлаб юборилди.

Харакатлар стратегиясида белгилаган вазифаларни бажаришда фермер, деҳқон ҳўжаликлари ерларидан ва томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, пировард натижада ер эгалари даромадини янада қўпайтиришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Баҳорнинг илк кунлариданоқ бозорларимизни арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида экилган экинларни ўз вақтида, белгилаган агро-техника қондалари асосида парвариллаш бугунги синови кунларда ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Сабабшўнчалик, чорвачилик, паррандачилик, асаларчилик, балчиқчилик ва бошқа соҳаларни қўпайтириш ҳисобида моддий самарадорликни сезиларли даражада юксалтириш ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Жойларда ана шу ҳақиқат теран анланган ҳолда, боғлар ва тоқзорларга ишлов берадиган, сабзавот ҳамда картошка уруғларини экадиган ва йўғиштириб оладиган техника билан таъминлаш, фермер, деҳқон ҳўжаликларига ёнлиги-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар, уруғлик етказиб бериш, касаллик ва зараркундаларга қарши курашиш ишларини ўз муддатиде бажаришни ҳам даврнинг ўзи талаб этаётган.

Сўғориш мавсумида сув таъминотида қийинчилик кутиляётганлигини ҳисобга олиб, унинг салбий таъсирини юмшатиш, сўғориладиган ерларни охиёбат билан қафолатли таъминлаш, мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш тадбирларини илмий асосда ўтказиш учун соҳа олимлари ва мутахассислар тавсияларига риоя қилиш ҳам муваффақият қалити эканлигини унутмаслик керак.

Шунингдек, "Томорқа — қўшимча даромад манбаи!" шиори остида жойларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, нуруойиллар, фаол ёшлар билан ҳамжиҳатликда аҳоли орасида кенг тушунтиришлар олиб бориш ҳам айни муддаодир. Бинобарин, бугун ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа фанимат.

Рисқул СИДДИҚОВ,
Олий Мажлис Сенати Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси ўринбосари.

«TASHKENT PHARMA PARK»

тиббийёт соҳаси ривожиде кенг имкониятлар эшигини очади

Ҳар бир мамлакатда аҳоли саломатлиги, соғлиқни сақлаш соҳаси фаолияти самарадорлиги кўп жиҳатдан ушбу тизимнинг замонавий илмий-технологик ишланмалар асосида яратилдиган дори-дармон воситалари билан таъминланганлиги, катта амалий тажрибага эга мутахассис кадрларга эгаллигига боғлиқ.

Шу маънода, Президентимиз топшириги билан Зангиота туманида қурилиши бошланган "Tashkent Pharma Park" инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластери Ўзбекистон тиббий соҳасининг жадал ривожланиши учун янги истиқболлар очиши билан катта аҳамиятга эга.

Акс садо

Қарийб 80 гектар майдонда ташкил қилинадиган ушбу кластер ўқув, илмий тадқиқот ва ишлаб чиқариш комплексларидан иборат бўлиб, 1700 кишини иш билан таъминлайди. Марказий Осиёда ягона бўлган бундай инновацион кластерини бунёд этиш учун Корея Республикаси Эксимбанки билан ҳамкорлик қилинмоқда. Таъкидлаш лозимки, ушбу фарма-

цевтика кластерини барпо қилишга Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг 2019 йил апрель ойида мамлакатимизга ташрифи чоғида келишилган. Шу асосда ташкил этилаётган кластер мамлакатимиз фармацевтика тармоғида ўқув, илмий тадқиқот шароитини ривожлантириш, энг яхши хорижий ўқув дастурлари асосида фармацевтика соҳасида кадрлар тайёрлаш,

юқори технологияли янги ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга хизмат қилади. Аслида фармацевтика ва фармакология соҳасидаги илмий тадқиқотлар ва инновация ишлари, етук кадрлар тайёрлаш масалалари аввал ҳам эътибордан четда бўлмаган. Жумладан, сўнгги йилларда республикамизда бир қатор замонавий фармацевтика компаниялари фаолияти йўлга қўйилди.

Улар юксак самарадорликка эга бўлган янги дори-дармон воситалари ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Лекин таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминловчи механизмнинг йўқлиги туфайли замонавий дори-дармон воситалари тайёрлаш ва уларни даволаш ишида қўллаш амалиёти муваффақиятли олиб борилмади. Шу боис юртимизда ишлаб чиқарилаётган дори-дармон воситаларининг ички бозордаги улуши 20 фоиздан ошмайди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилаётган инновацион фармацевтика кластери эса соҳадан ижобий хорижий тажриба асосида, халқаро миқёсда эътироф этиладиган Жанубий корейлик мутахассислар ёрдамида барпо қилинмоқда. Унинг

таркибидан Фармацевтика техник университет, юксак даражадаги илмий-экспериментал базага эга бўлган тадқиқотлар институти ва кенг миқёсда ишлаб чиқариш қувватига эга санает комплекси ўрин олади. Ушбу комплексга Жанубий Кореядан ташқари Чехия, Украина каби фармацевтика тармоғи ривожланган давлатларнинг етакчи компаниялари ҳам инвестиция киритишга катта қизқиш билдирилмоқда.

Яна бир эътиборга молик жиҳат: мазкур худудда хорижий клиникалар ва тиббий марказларнинг филиалларини очиш ҳам режалаштирилган. Бу эса унинг илмий тадқиқот тизимида яратилган янги дори-дармон воситаларини ва тиббийёт буюмларини чет эллик мутахассислар билан биргаликда

синовдан ўтказиш ҳамда унинг натижалари асосида халқаро сертификатлар олиб, бу ерда ишлаб чиқарилган

АКАДЕМИК АБДУЛЛАЕВ ЖЎРА

Мамлакатимиз илм-фани оғир жудоликка учради.

Ахборот технологиялари соҳасида ийрик олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Жўра Абдуллаев шу йил 18 апрель кuni 93 ёшида вафот этди.

Жўра Абдуллаев 1927 йил 21 февраль кuni Тошкент шаҳрида туғилди.

1953 йилда Ўрта Осиё политехника институтини (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)ни тугатиб, Россия Фанлар академиясининг Автоматика ва телемеханика институтини аспирантурасида тахсил олди. 1959 йилда номзодлик, 1974 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1989 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги этиб сайланди.

Жўра Абдуллаев ўз меҳнат фаолиятини 1956 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг Энергетика ва автоматика институтининг кичик илмий ходими сифатида бошлади. Ушбу масканда катта илмий ходим, лаборатория мудири лавозимларида самарали меҳнат қилди. Кейинчалик Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент электротехника ва алоқа институтини (ҳозирги Тошкент ахборот технологиялари университети) ректори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти вазифасини бажарувчиси, механика ва информатика фанлари бўлими раиси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази бош илмий ходими каби масъул вазифаларда самарали хизмат қилиб, мамлакатимизда малакали илмий кадрлар тайёрлаш, замонавий илм-фан тармоқларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди.

Захматқаш олимнинг ахборот технологиялари соҳасининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган кўплаб мақолалари, китоб ва монографиялари юртимиз ва хорижий мамлакатлар илмий жамоатчилиги ўртасида яхши маълум. Унинг бир қатор илмий ишланмалари иқтисодиётимиз тармоқларида муваффақиятли қўлланиб келинмоқда.

Жонкуяр устоз, моҳир педагогнинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланган.

Академик Ж. Абдуллаевнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" фахрий унвони, "Меҳнат шухрати" ордени ва "Шухрат" медаллари билан мукофотланган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Жўра Абдуллаевнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ, И. АБДУРАҲМОНОВ



ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўтган йил 6 декабрь кuni давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Адвокатура институтини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш тақдирини йилга сурилган эди. Шу боис ушбу концепция лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилган. Мазкур ҳужжат мамлакатимизда адвокатура институтини ривожлантиришнинг янги даврини бошлаб беради, десак, айна ҳақиқат.

Таҳлил

Тан олиш керак, узоқ йиллар давомида соҳага етарли даражада эътибор берилмаганлиги бир талай муаммолар пайдо бўлишига олиб келди. Маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда адвокатларнинг жами сони 4 мингга яқин бўлиб, бир адвокатга ўрта ҳисобда 9 мингга яқин аҳоли тўғри келмоқда. Қиёсий таҳлил: ушбу кўрсаткич Исроилда бир адвокатга — 136 нафар киши, Италияда — 265, Испанияда — 328, Буюк Британияда — 386, Германияда — 499, Туркияда — 794, Грузияда — 833, Украинада — 1205, Францияда — 1020, Россияда — 1870, Қозоғистонда эса 3932 киши тўғри келишини кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоиз, концепция лойиҳаси бошқа ҳуқуқ ҳужжатлардан бир қатор фарқли жи-

ҳатлари билан ажралиб туради. Биринчидан, концепция лойиҳаси Адвокатлар палатаси раҳбарлигида, асосан, адвокатлардан иборат ишчи гуруҳ томонидан тайёрланган. Мазкур ҳужжат нафақат адвокатура институтини вакиллари, балки нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган, кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилган дастлабки ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларидан биридир.

Иккинчидан, адвокатура ва адвокатлик фаолияти бўйича халқаро норма ва стандартлар, жумладан, Юристар ролига тааллуқли асосий тамойиллар (Жинойятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича БМТ саккизинчи Конгрессиде қабул қилинган. Гавана, Куба, 27 август — 7 сентябрь, 1990 йил),

Жинойят одил судлов тизимида юридик ёрдам олишга оид БМТнинг тамойиллари ва раҳбарий қодалари (БМТ Бош Ассамблеясининг 2012 йил 20 декабрдаги 60-япйи мажлисида қабул қилинган), Мустақил юристар ҳамжамияти стандартлари (Халқаро юристар ассоциацияси (ХЮА) томонидан Нью-Йоркда 1990 йил 7 сентябрда қабул қилинган) чуқур таҳлил қилинган ҳамда лойиҳада кўзда тутилди.

Учинчидан, адвокатура тизими ривожланган АКШ, Буюк Британия, Германия, Япония, Туркия, Жанубий Корея, МДҲга аъзо мамлакатларнинг ижобий тажрибаси ўрганилди.

Тўртинчидан, концепция лойиҳасини тайёрлашда чуқур илмий изланишлар, социологик тадқиқотлар олиб борилды. Хусусан, соҳа вакилларининг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида 1 600 нафар адвокат, шунингдек, Тошкент давлат юридик университетининг мингга яқин талабалари ўртасида кенг миқёсдаги сўровномалар ўтказилди. Уларнинг натижалари чуқур таҳлил қилиниб, концепция лойиҳасида акс эттирилди.

Концепция лойиҳасида адвокатларни бугунги кунда ўйланти-

раётган масалалар билан биргаликда уларнинг оқилона ечими бўйича аниқ тақдирлар илгари сурилган. Хусусан, адвокатлик касбини эгаллаш учун талабдорларга белгиланган амалдаги икки йиллик меҳнат стажига бекор қилинмоқда. Бунда барча учун мажбурий бўлган уч ойлик стажировка ўташ сақланиб қолинади. Ушбу имконият соҳага ёш кадрларни жалб этиш, адвокатлик фаолияти жозибадорлигини ошириши, шубҳасиз.

Шунингдек, адвокатларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жумладан, Адвокатлар палатаси ҳузурида Адвокатларни тайёрлаш ва малакасини ошириш марказини ташкил қилиш ва масофавий таълим тизимини жорий этиш ҳудудларда меҳнат қилаётган адвокатлар учун кулайликлар яратилди.

Адвокатлик фаолиятининг амалдаги солиқ режими соддаштирилиб, адвокатларга ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари ва суд ходимларига тенг бўлган ижтимоий таъминот қоғалатлари назарда тутилмоқда.

Адвокатларнинг жинойят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишлардаги иштироки такомиллаш-

моқда. Уларга кенг ҳуқуқлар берилмоқда. Жумладан, барча жинойят ишлари бўйича ва жинойят процессининг ҳамма босқичида ҳимоячи иштироки шартлиги белгиланмоқда.

Концепция лойиҳасида бир қатор илгор тақдирлар илгари сурилган бўлиб, буларнинг замирида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқаро рейтингларда, шу жумладан, Қонун устуворлиги индекси (The Rule of Law Index), Коррупцияга қарши курашиш индексида (The Corruption Perceptions Index) Ўзбекистоннинг позициясини оширишга мустақкам замин яратилди.

Концепция лойиҳаси муҳокамаси жорий йилнинг 25 апрель кuniга қадар давом этади. Бу эса кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини, фаол фуқаролик позициясини намойи қилиши тақозо этади. Зеро, адвокатура институти мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади.

Валиер ДАВЛЯТОВ, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти бўлим бошлиғи.

Хитойлик эксперт:

Бу қийинчиликлар давлат ва халқ бирдамлиги билан енгиб ўтилади

Хитой бу чоралар зарур ва самарали эканлигини ўз мисолида кўрди. Касалликнинг бошланиши даври — Хитойнинг энг муҳим байрамига тўғри келди. "Баҳор" деб номланган ушбу байрамда аҳоли бир шаҳардан бошқа шаҳарга бориши одатга айланган. Яъни инсонларнинг бири бири билан алоқа ўрнатилиши ҳудуд юқори бўлган давр ҳисобланади. Агар мамлакатимиз бу чекловларни ўрнатмаганда эди у келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатлар тасаввурга сымасди. Хитой аҳолисининг жуда кўпчилиги инобатта аҳоли, коронавирус устидан эришилган назорат, айти галабани жуда улкан натижа дейиш мумкин.

— Урнатилган чекловлардан ташқари яна қандай ишлар амалга оширилди? — Хитой жуда катта ҳудудга эга давлатдир. Ҳар бир жойда вирус тарқалиши жараёни ўзига хос характерга эга эди. Шу нуқтаи назардан, ҳукумат чекловларни ўрнатганидан аввал ҳудудларни ўрганиб чиқди. Касаллик қандай тарқалиши мумкин ва бу жараёндаги бошқа табиий омиллар таҳлил қилинди. Манзилли ҳуқуқия қараб карантин зоналари ташкил этилди. Масалан, бизнинг Цзянси провинциясини айтганимиз бўлса, у ерда аҳоли сони жуда кўп. Провинциянинг 11 шаҳри ва қишлоқ ҳудудлари бор. Аҳоли яшаш зичлиги ва бошқа шaroитлардан келиб чиқиб, урта стратегик жойини ажратдик.

Коронавирус аломатларидан бири тана ҳароратининг ошишидир. Биз провинцияда тана ҳароратини ўлчайдиган 300 дан зиёд шохобчаларни ташкил қилдик. Агар бу пунктлардан ўтаётган одамда вирус аломатлари кузатилса, шунинг ўзидан касалхоналарга олиб бориш имконияти яратилди.

Одамлар гажум жойларда назорат қўйилди. Ҳар бир кишининг ҳаракатланиш жадвали ёзиб борилды. Юқорида айтганимиз, вирусга чалинган одам билан алоқада бўлганларнинг рўйхати тўлиқ шаклланганлиги. Бундай кишилар дастлаб ўй шaroитида карантинга олинди. Уларда касаллик аломати пайдо бўлиши билан махсус клиникаларга жойлаштириш ишлари бажарилди.

Бу чекловларни халқимиз жуда тўғри қабул қилди. Аммо улар орасида айрим тушунмаганлари ҳам учради. Биз бундай кишиларга коронавирусга қарши самарали дорилар ҳали мавжуд эмаслигини, фақат чекловлар билан саломатлигини сақлаб қолиш мумкинлигини тушунтирдик. Аҳоли касаллик мухиятини англаганидан сўнг уйда сақланиш тўғрилигини тушунди ва бу билан давлатга ҳам катта ёрдам берди.

Хитойда коронавирус устидан назорат ўрнатилганидан кейин чекловлар аста-секин, босқичма-босқич олиб ташлана бошланди. Айна пайтда мактаблар, корхоналар имкон даражасида фаолиятини қайта йўлга қўймоқда. Уларга эҳтиёткорлик чораларини унутмаслик тушунтирилмоқда. — Ўзбекистонда ўрнатилган карантин қодалари билан танишиб чиқдингиз. Бу чора-тадбирларни нақадар тўғри, деб ўйлайсиз? — Бизнинг делегацияси Ўзбекистонга ўз тажрибасини алмашиш мақсадида ташриф буюрди. Хитойда бу мавзуда бир сериал ҳам сурагга олинди. Унда Буюк Ипак йўлининг муҳим нуқтасида жойлашган юртингиз ҳақида ҳам ҳикоя қилинади. Яъни Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар, тарихий дўстлик муносабатлари кўрсатиб ўтилган. Қолаверса, икки давлат раҳбарларининг ўзаро дўстона муносабатлари ҳамкорлигимиз ривожланишида устувор роль ўйнапти.

Эътироф этиш жоизки, Ўзбекистонда кейинги уч йилда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида катта эътибор қаратилмоқда. Юртингизга келишимдан аввал Ўзбекистоннинг коронавирусга қарши амалга ошираётган саъй-ҳаракатларини ўрганиб чиқдим. Фикримча, мамлакат Президентининг қўллаб-қувватлаши натижасида татбиқ этилаётган чоралар тўғри ва улар жуда муҳим ижобий натижалар беради. Улар ўз вақтида қўлланила бошлаганини алоҳида айтишим зарур.

Яна бир муҳим жиҳати, давлат коронавирусга чалинган ҳар бир одам соғлиғига жиддий эътибор қаратапти. Бундан ташқари, у билан мулоқотда бўлганлар қатъий карантин назоратига олиноқмоқда. Богчалар, мактаблар ва бошқа аҳоли гажум бўладиган объекتلарнинг вақтинча ёпилишини тўғри қарор, деб ҳисоблайман.

Юртингиз қўчаларида одамлар ҳаракатланиши жуда кам. Бу ўзбекистонликларнинг давлат томонидан олиб бораётган ишларга хайрихоҳлигини инодалайди. Бундан ташқари, яна бир эътибор қаратган жиҳатим, кўчалар тоза, санитар шaroитлари ҳам жуда яхши. Тез ёрдам хизмати фаолияти ҳам намунали ишламоқда. Хулосам шунки, юртингизда ҳар бир беморнинг соғайиши учун зарур ишлар ўз вақтида амалга оширилляпти. Аҳоли бундан кейин ҳам карантин қодаларига амал қилган ҳолда давлатни қўллаб-қувватлашда давом этса, коронавирус устидан назорат, албатта, ўрнатилди.

— Яна қандай ишларни амалга ошириш Ўзбекистон учун фойдали бўлади, деб ҳисоблайсиз?

— Албатта, ҳар бир инсонга тушунтириш ишларини янада кучайтириш зарур. Одам ўй шaroитида ўзини касалликдан ҳимоя қилишга интилиши керак. Ҳимоя воситаларидан тўғри фойдаланиш, қўлни вақтида ювиш, ҳавони тез-тез алмаштириб туриш ва бошқа гигиеник қодалар ҳақида мунтазам маълумотлар бериб бориш фойдадан холи эмас. Шунингдек, тиббиёт муассасалари барча керакли техника асбоб-ускуналарга ва малакали кадрларга эга бўлиши муҳимдир. Бу қийинчиликлар давлат ва халқ бирдамлиги билан енгиб ўтилади.

Диққатга сазовор яна бир жиҳати, Ўзбекистон вирусга чалинганлари даволашда ҳам катта ижобий натижаларни қайд этяпти. Буни дунёнинг бошқа давлатлари билан таққосласак, янада яққол кўринади.

— Бу ердаги фаолиятингиз нималардан иборат?

— Биз юртингизга келган заҳоти уч гуруҳга бўлиндик. Режаларни тақсимлаб, ишга киришдик. Биринчи гуруҳ Самарқанд вилояти шошилинч тиббий ёрдам маркази ва болалар шифохонасига борди. Шифохонани қайта реконструкция қилишда ўз маслаҳатларимизни бердик ва COVID-19 билан касалланган беморларни даволаш ҳақида маҳаллий шифокорлар учун маърузалар ўқидик.

Кейинги икки гуруҳ Вирусология илмий текшириш институти ҳамда Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий тадқиқот институти мутахассислари билан алоҳида учрашувлар ташкил қилди. Ўз тажрибамиз билан ўртоқлашдик, касалликни диагностика қилиш ва даволаш учун тавсиялар бердик.

Тошкент вилоятида барпо этилаётган махсус шифохоналардаги шaroитларни кўздан кечирдик. Бир гуруҳимиз Фарғона водийсига йўл олди. У ерда ҳам қатор тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган.

Қолаверса, ўзбекистонлик ҳамкасб-ларимиз учун махсус тайёрланган COVID-19 ҳақидаги материаллар тўпلامларини тақдим қилдик.

Биз юртингиз билан ҳамкорлик қилиб, тажриба алмашиб, бу синовлардан муваффақиятли ўтиб оламиз.

Омонулла ФАЙЗИЕВ («Халқ сўзи») суҳбатлашди.

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги олдида

УРУШ КИНОСИ

...Бурчдаки "Рекорд" телевизори ёниқ.

Обдан қариб, майиздек бўлиб қолган кампир йиғма қреслода мизгиб ўтирар, ухлаяптими, уйғоқми, билиб бўлмасди. Ногоҳ хона сукунатини бомбаларнинг портлаши-ю, автоматларнинг шақиллаш овози бузди. Момо туйқус сергақланди. Ва шоша-пиша набирасини чақирди: — Ойниса, қайдасан?

Бир зумда ўн тўрт ёшлардаги қиз пайдо бўлди ва кампирнинг туришига кўмаклашиб, сўнгра қреслони "оинаи жаҳон" қаршига яна янада яқин келтириб берди. Апил-тапил кўзойнагини ҳам тақиб қўйди. Ва бутун диққатини экранга

соат иккиларда жўнаб кетишибди. Кейин билса, бу йиғи-сиги қилишмасин деб, оналарни фарзданларидан узоқлаштириш "тадбири" экан.

Фронтдаги ўғлидан икки йил давомида тўхтовсиз хат келиб турди. Сўнгиси эса... Аммо ая бу хабарга асло, сира ҳам ишонмади. Фарзандини муштоқ бўлиб кутушида давом этaverди. Йиллар ўтиб, телевизор деган нарса пайдо бўлди. Ушанда момонинг уйдан бир-икки эшик наридаги ўзига тўқ оила ана шундай матоҳи бор илк хонадон эди.

Почтачилар онахоннинг оstonасидаги кутига газета ташлаб кетишарди. Шанба



қаратган бувисининг кўзларидаги интиқ нигоҳида яна ўша, узоқ йиллардан буюн муқим ўрнашиб қолган илҳажликини кўрди.

— Бувижон, кўзойнақда ҳам кўрпаймасиз-ку барибир, кейин... телевизорга яқин ўтириш зиён дейишди.

— Майли, кўрмасам-да, овозидан таниман. Билиб бўладими, у ҳам гапириб қолса, ўғлини телевизордаги кинолардан қидириши қандай бўлади.

— Бувижон! Ахир бу кино! Ундаги ролларни актёрлар ўйнаган...

Кампир ўзи ҳам билса-да, фарзданлари, келинларидан-да кўп эшитган бу гапларга парво қилмапти. Уруш киноларини кўраверди.

Фильм узоқ давом этди. Онахоннинг бу сафар ҳам ҳафсаласи пир бўлди. Кутгани рўй бермади. Мана неча ўн йилдирки, шу ҳол: ҳалок бўлганлиги тўғрисида "қорхат" олган бўлса-да, ўғлини телевизордаги кинолардан қидириши қандай бўлади.

...Момо фарзандини охириги марта 1941 йилнинг ёзида кўрган эди. Вокзалда. Аммо жигарбандини қўл силкитиб кузатолмади. Негаки, ҳарбийлар "Эртага жўнаб кетамиз. Йўлимиз узоқ, сизлар егуликлар, майиз, туршаклар олиб келингилар", дея барчани уйларига қайтариб юборишди. Бирок тонг отганда боришса, улар йўқ! Ўғли ва у билан фронтга отланган йигитлар аллақачон, тунги

сонларининг сўнги саҳифасида ойнаи жаҳоннинг келгуси ҳафталик дастурлари эълон қилинади. Кампир газетани азбаройи ўқиш эмас, айнан теледустури учун олар ва ундаги уруш билан боғлиқ барча киноларни қизил қаламда белгилаб қўяди. Фильмларни кўришга эса ноқулай бўлса-да, ҳов ўша — телевизорли уйга тез-тез чиқиб турарди. Кўп ўтмай, ўғли Арслон онасининг бу ташвишини енгил қилди. Рўзгорига ёрдам бўлар деган ниятда ситир олишга йиққан пулига телевизор сотиб олди. Энди волидаси кино бошланди дегунча, қилаётган ишини ҳам ташлаб телевизор олдига шошиларди.

Вактлар ўтиб, набираси айтганидек, экран олдига яқин ўтирганиданми ё кексаллики, кўзи даярли қўрмай қолди. Аммо "Кўзим кўрмасам ҳам овозидан таниман-ку", деган илжн билан умрининг охиригача намойиш қилинган киноларнинг биронтасини ҳам ўтказиб юбормади.

Йиллар ўтди... Момо яшаган қулбада ўз қўли билан ўртасига "Зангори экран" деган ёзув тили, ҳошиясини кашта билан безаган ёпинчиқли телевизор ундан эсдалик бўлиб қолди. Момонинг илҳаж нигоҳини ўзига вазият қилиб олган каби кўзойнағи ҳам телевизор устида "мунгайиб" турибди. Уруш киноси ҳам тугамаган...

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

Банд бўлмаган ёшлар қолмайди

Навоий вилояти аҳолисининг 236 минг нафарини 18 — 30 ёш оралиғидаги ёшлар ташкил этади. Маълумотларга кўра, уларнинг 15 минг нафардан ортиғи банд бўлмаган йигит-қизлардир.

Имконият

Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Навоий вилоятидаги Халқ қабулхонаси, ҳудудий бандлик бўлиmlари ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ташаббуси билан "Ҳар бир ёшга — бир гектар ер!" лойиҳаси доирасида бандлиги таъминланмаган ёшларга ер майдонлари ажратилиб, айни кунларда экин-тикин ишлари олиб боришмоқда.

Хусусан, Навбахор туманида ер ажратилган ёшларга вилоят ҳокими ташаббуси билан бир миллион сўмдан моддий ёрдам ҳам кўрсатилди. Иссиқхона қуришга ёрдам сўраган Дилдора Тўраевага эса субсидия ажратилди.

— Март ойида Россиядан қайтиб, 14 кунлик карантиндан ўтдик, — дейди ака-ука Ориф ва Сардор Ҳосиловлар. — Мана бугун ерга эга бўлиб, умид билан уруғ қададик. Насиб этса, деҳқончилик ортидан рўзгоримизга барака қиради.

Вилоятда давлатимиз раҳбарининг "Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида аҳолининг ишсиз қатлами, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор

қаратилмоқда. Айни пайтгача 3 мингдан ортиқ йигит-қизлар жамоатчилик асосида ҳақ тўланадиган ишга жалб этилган бўлса, шунинг 400 нафари навахорлик ёшлардир. Мазкур ёшларнинг 123 нафари айни кунларда дезинфекция ишларига жалб этилиб, туман ҳокимлиги томонидан махсус кийим ва зарур воситалар билан таъминлаш мақсадида 41 миллион сўм маблағ ажратилди.

Навахор тумани аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан карантин шaroити ҳисобга олиниб, биринчи тўлов амалга оширилган ҳолда 30 нафар фуқаро туман давлат хизматлари марказида тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилди.

Хатирчи туманида ҳам "Ҳар бир ёшга — бир гектар ер!" лойиҳаси доирасида 370 гектар ер майдони мевасабзавотчилик ва полиз экинлари еттиштириш мақсадида ажратилиб, 480 нафар ишсиз ёшга фойдаланиш учун берилди. Бундан ташқари, туманда богдорчилик, айниқса, узумчиликни йўлга қўйиш мақсадида 37 гектар майдонга узум кўчатлари экилиб, 50 нафар ёшга фойдаланиш ва ўз бандлигини таъминлаш мақсадида расмийлаштириб берилди.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

Ҳимоя қилиш кўрсаткичи юқори бўлган тиббиёт ниқоблари ишлаб чиқариш бошланди



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Президентимизнинг 2020 йил 3 апрелдаги Фармони билан тадбиркорларга солиқ, божхона ва кредит масалаларида қатор имтиёзлар жорий қилинди. — дейди қорхона раҳбари ўринбосари Абдумалик Бойматов. — Биз ҳам ушбу имкониятдан самарали фойдаланган ҳолда, синовли кунларда халқимизга муносиб хизмат қилиш мақсадида умумий қиймати 2,8 млн. доллар бўлган инвестиция лойиҳасини амалга оширдик. Бир ойда ўртача 4 миллионга яқин тиббий ниқоблар ишлаб чиқарамиз.

Айтиш жоизки, мазкур ниқоблар филтър материаллардан тайёрланган бўлиб, 4 та ҳимоя қаватидан иборат. Биринчи қатлам спанбонд мато, микрон чанг филтърли, иккинчи қатлам фаоллаштирилган углерод матоси, бензол-микрон чанг филтърлаш функцияси, учинчи қатлам зич

филтърли мато, тўртинчи қатлам эса спанбонд матодан иборат. Бу ҳар қандай зарарли моддаларни филтърлайди. Тасаввур қилинг, янги коронавируснинг диаметри 0,1 дан 0,12 микронгача. Шунинг учун "KN-95" ниқобини кийиш вирус юқисининг олдини олишда самаралидир. Бунда кирган ва чиққан ҳаво, албатта, филтърдан ўтади. Оддий ниқоблар эса бундай эмас. Уни атиги 2 соатгина тақийш мумкин. Респиратор филтърлар узоқ вақтгача сизни ҳимоя қила олади. Хавфсизлик ва ишончлилик даражаси анча юқори.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ИЛК БОР ЎЗ АҲОЛИСИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗМОҚДА. НЕГА?

Фақат тахминларга таяниб иш қўрган одам ютқазади. Таваккалчилик, башоратгўйлик маълум жабҳалардагина зарур. Аниқ статистика эса ҳар соҳада керак. Бусиз ривожланиш ҳақида гапириш ўринсиз. Айниқса, ҳозирги тез ўзгариб бораётган замонда!

Бугун биз сўз юритмоқчи бўлган мавзу ҳам бевосита статистикага дахлдор. Яъни аҳолини рўйхатга олиш ҳақида.

Хўш, бу амалиёт нима учун керак? Нега кейинги бир йилда бу ҳақда кўп гапириляпти? Нима, бизда шу пайтгача аҳоли рўйхатга олинмаганмиди?

Бугуннинг гапи

Санамай, саккиз деманг!

Тасаввур қилинг, хонадонингизда 10 киши яшайди. Демак, бозор-ўчар қилишда улар сонини ҳисобга оласиз. Фалон кило гўшт, фалон литр ёғ, фалон кило ун, қанчадир гуруч ва ҳоказо... Хонадон бекаси ана шу ноз-неъматларни пишириб, дастурхонга тортишда ҳам, табиийки, уйдаги одамлар сонини инобатга олади: 10 косода таом келтиради. Фақат хонадон аъзолари ёши, ҳолиши ва таъбидан келиб чиққан ҳолда овқат қимгадир каттарок косода, қимгадир кичикроқ идишда, қимгадир ёсизроқ, қимгадир сергўштороқ қилиб сузилади. Оилангиздагилар учун қийим-кечак харид қилишда ҳам худди шундай йўл тутасиз. Улгингиз ё қизингизни бирор тўғарака бермоқчисиз? Бу ўринда унинг қизиқшиши, қобилияти, салоҳияти, имкониятини ҳисобга оласиз!

Энди савол туғилади: қандай қилиб бу борада тўғри ва оқилона қарор қилишга эришяпсиз? Жавоб аниқ: чун-

да солиққа тортиш ва ҳарбий хизматга чақиритиш билан боғлиқ бўлган. Уша даврда Швеция ўзининг Шарқий қисми бўлган Финляндияни қўшганда ҳам аҳолини кам, камбағал давлат эди. Бинобарин, йирик маъмурий аппарат ва армияни сақлаб туриш учун ҳарбий хизмат мажбурий бўлган, солиққа тортиладиган аҳоли ва унинг мулки тўғрисидаги маълумотлар ҳам мунтазам юритилган.

Аҳоли рўйхатида жойлашган ва бутун Финляндияни ўз ичига олган ахборот таркиби ўзининг кенг қамровли эканлиги билан ажралиб туради. Ахборот базаси мамлакатнинг ҳар бир фуқароси ҳақидаги аниқ ва эътиборга лойиқ маълумотларни ўз ичига олади. Фуқаро тўғрисидаги энг муҳим маълумот унинг исми ва фамилияси, туғилган жойи ва санаси ҳамда фуқаролиги, туғилган жойи ва санаси ҳамда фуқаролиги, туғилган жойи ва санаси ҳамда фуқаролиги, туғилган жойи ва санаси ҳамда фуқаролиги.

XVIII аср ўрталарида аҳолини ўрганишга қизиқиш ортади. Австрия, Нидерландия, Дания, Испания, Япония,

республикамиз доимий аҳолиси сони 33 905,8 минг киши бўлиб, шундан шахар аҳолиси сони 17 118,4 минг кишини (жами аҳоли сонига нисбатан 50,5 фоиз), қишлоқ аҳолиси сони 16 787,4 минг кишини (49,5 фоиз) ташкил этади. Жами аҳолимизнинг 50,2 фоизи эркаклар (17 036,1 минг киши), 49,8 фоизи аёллар (16 869,7 минг киши)дир.

2019 йил давомида республика бўйича туғилган болалар сони 815,9 минг нафар, вафот этганлар 155,0 минг киши эканлиги қайд қилинган. Республика ҳудудлари кесимида, 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, энг кўп аҳоли сони Самарқанд вилоятида 3878,0 минг кишини (республика жами аҳолиси сонига тулган 11,4 фоиз), Фарғона вилоятида 3752,0 минг кишини (11,1 фоиз) ва Қашқадарё вилоятида 3280,1 минг кишини (9,7 фоиз) ташкил этади.

Аҳолининг жорий ҳисоби бўйича мавжуд маълумотлар аҳоли сони, яшаш шaroити, маълумоти, бандлиги, ёши, жинси, миллат таркиби, республика ҳудудида аҳолининг жойлашуви ва бошқа ижтимоий-демографик ўзига хосликлар тўғрисида аниқ хулоса ва



лантириш ва мониторингини юритиш, халқро ташкилотлар ва фойдаланувчилар таҳлиллари учун кенг қамровли ахборотлар манбаи яратилади.

Рўйхатга олиш қандай амалга оширилади?

Мазкур жараён уч босқични қамраб олади. **Биринчи** — тайёргарлик босқичи. Бу уч йилга яқин вақт давом этади.

Тайёргарлик жараёнида энг муҳим масала, аҳолини рўйхатга олиш жараёнида фаол иштирок этиши бўйича аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш, реклама роликлари, логотип ва шорлар ишлаб чиқиш ҳамда аҳолини рўйхатга олиш билан боғлиқ ҳужжатлар, жумладан, рўйхатга олиш варақалари, рўйхатга олишни ташкил этиш ва ўтказиш, унинг натижаларини олиш ва эълон қилиш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда бошқа шу каби тадбирлар амалга оширилади.

Иккинчи — асосий босқич. Бунда бевосита аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилади, яъни аҳоли тўғрисидаги маълумотлар йиғилади, назорат текшируви ўтказилади ва рўйхатга олиш материаллари топирилади. Мазкур жараён тахминан икки ой давом этади.

Мамлакатимизда 2022 йилда ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш тадбири аънавий усулда, яъни рўйхатга олувчи шахслар томонидан ҳудудларда уйма-ўй юрган ҳолда, юзма-юз суҳбат асосида, қозғош шаклидаги рўйхатга олиш варақаларини тўлдириш орқали амалга оширилади.

Шунингдек, интернет тармоғи орқали аҳолини рўйхатга олиш имконияти ҳам яратилади, аниқроғи, хоҳловчилар ўзлари уйларида энг масофадан туриб, махсус дастур орқали саволнома варақаларини тўлдириш ҳолда рўйхатдан ўтишлари мумкин бўлади.

Қарийб ўч йил чўзиладиган **сўнги босқич**да эса олинган маълумотлар қолдштириш ёрдамида таҳлил этилиб, натижалар расман эълон қилинади. Рўйхатга олиш жараёнида тўлган маълумотлар статистик маълумотлар гунона электрон ахборотлар тизимига киритилади.

Рўйхатга олувчиларни танлаш масаласи ҳам низоҳатда долзарб. Чунки маълумотларнинг тўғрилигига улар бевосита

ва яқуний маълумотлари архивда сақлаш учун тайёрланади.

Аҳолини рўйхатга олиш яна бир жиҳати билан муҳим. Унинг яқунига етказилиши ҳудудларни хариталаш, аҳоли пунктларидаги уйлар рўйхатини тузиш имконини беради. Яна ҳам аниқроқ айтганда, турар ва нотураржойларнинг аниқ сони, ҳолати, фойдаланилмай ётган ёки муддатини ўтаб бўлган биноларни белгилаб олиш билан тегишли ҳудудларда уй-жой, саноат объектиларига кириш ва таъмирлаш масалаларига оидлик кириштириш мумкин бўлади. Қисқача айтганда, республиканинг янги мукамал кадастр харитаси яратилади.

Амалий ишлар қайси босқичда?

Мақсад аниқ, режалар қатъий. Амалий ишларга эса аллақачон киришилган. Хусусан, Президентимиз Фармони асосида Аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш концепцияси тасдиқланди.

Мазкур концепция асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кенг муҳокама ва ҳуқуқий экспертизалардан сўнг 2020 йил 16 март куни Президентимиз томонидан имзоланди.

Қонун 5 боб, 31 моддадан иборат бўлиб, унда Қўнуннинг мақсади, асосий тушунчалар, аҳолини рўйхатга олишнинг вазифалари ва принциплари ёритиб берилган. Асосий принциплардан бири сифатида даврийлик принципи, яъни аҳолини рўйхатга олиш ўн йилда камида бир марта ўтказилиши ҳамда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан қабул қилиниши белгилаб қўйилган.

Яна бир муҳим принциплардан бири, бу шахса доир маълумотларнинг махфийлиги бўлиб, бунда аҳолини рўйхатга олиш жараёнида йиғилган шахса доир маълумотлар махфий ҳисобланади, улар респондентнинг розилигисиз ошкор этилмаслиги ва тарқатилмаслиги қатъий белгилаб қўйилган.

Қонунда респондент тушунчасига ҳам аниқлик киритиб кетилган, яъни респондентлар — аҳолини рўйхатга олиш санасида мамлакатимиз ҳудудида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи, лекин аҳолини рўйхатга олиш санасида унинг ҳудудида ташқарида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳам респондент ҳисобланиши ёритиб ўтилган.

Шунингдек, Қонунда, аҳолини рўйхатга олишни тартибга солиш соҳа-

аҳолини рўйхатга олиш жараёнида фаол равишда иштирок этишлари лозим бўлади.

Илгор мамлакатлар ҳамкорлик қилишга тайёр

Ўтган йили БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Давлат статистика қўмитасининг аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш бўйича имкониятларини ижобий баҳолади. Шундан сўнг бу соҳага доир кўплаб анжуман ва учрашувлар ўтказилди. Чет эл тажрибаси ўрганилди.

Жумладан, ўтган йилнинг 19 — 21 август кунлари Давлат статистика қўмитаси вакиллари, вазирлик ва идоралар ҳамда халқроқ экспертлар иштирокида Чехия Республикасида аҳолини рўйхатга олиш масалалари муҳокама қилинди. 25 сентябрь куни қўмитамиз ЮНФПА, USAID, Жаҳон банки, БМТнинг Болалар фонди вакиллари (ЮНИСЕФ), Россия Федерацияси, Житой Халқ Республикаси, Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари ва тегишли вазирликлар иштирокида "2022 йилда Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик, техник ва молиявий ёрдам йўналишлари" мавзусидаги донолик учрашувига мезбонлик қилди. Мулоқотда 2022 йилда мамлакатимизда ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик қўриш жараёнида ушбу услубий ва техник ёрдам кўрсатиш ҳамда тажриба алмашиш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

26 ноябрда БМТ Тараққиёт дастури томонидан ЮНФПА, Давлат статистика қўмитаси ва қатор вазирлик, ташкилотлар иштирокидаги халқроқ семинарда Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишга тайёргарликнинг ҳозирги ҳолати, мувофиқлаштирувчи гуруҳ учун техник ҳамкорлик лойиҳасини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш каби масалалар қўриб чиқилди. Давлат статистика қўмитаси мутахассислари ва Беларусь Миллий статистика қўмитаси бошқарма бошлиғи Т. В. Бабуқ иштирокидаги тадбир ҳам қизғин кеңди.

27-28 ноябрь кунлари бўлиб ўтган халқроқ семинарда МДХга аъзо давлатлар миллий статистика идораларининг аҳолини рўйхатга олиш бўйича мутахассислари, МДХнинг Статистика қўмитаси раҳбарлари, ЮНФПА вакиллари, БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси ва бошқа халқроқ ташкилотлар вакиллари 2019 йилнинг октябрь ойида Озарбайжон ва Беларусь давлатларида ўтказилган аҳолини рўйхатга олишнинг дастлабки натижалари, МДХга аъзо бошқа давлатларда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик қўриш жараёнига каби мавзуларга фикр алмашишди.

2 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасида ўтказилган учрашувда Европа Иттифоқи делегацияси маслаҳатчиси, ҳамкорлик раҳбари — Ф. Бежо Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олиш тадбирларида



ки сизда оила аъзоларингизнинг ҳар бири ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумотлар базаси бор!

Аҳолини рўйхатга олиш билан боғлиқ чора-тадбирлар заруратини ана шунга қўйиш мумкин. Масалан, Қорақалпоғистонда хонадонлар иссиқ бўлиши, одамлар қора қозони қишин-ёзин қайнаб туриши учун неча минг тонна кўмир, қанча саксовул, неча минг куб метр газ керак? Бухорода-чи? Хоразмда неча киши ишсиз? Сурхондарёда яна неча таълим муассасаси қуриш лозим? Фарғонада неча оила уй-жойга муҳтож? Самарқандда қанча туғуруқ ёшидаги аёл бор ва мавжуд туғуруқхоналардаги ўринлар сони ана шу кўрсаткичга мутаносибми? Сирдарёда аҳоли хонадонлари, асосан, қайси йилларда қурилган? Сурхондарёда чироқ ўчмаслиги учун бир ойда қанча электр энергияси ишлаб чиқариш зарур? Андижонда неча оила битта хонадонда яшайди? Тошкент шаҳрида, аслида, қанча киши истикомат қилади?..

Кўряпсизми, аҳолини рўйхатга олиш, яъни биргина шу амалиёт билан қанчадан-қанча саволларга жавоб, қанчадан-қанча муаммоларга ечим топиш мумкин!

Бирок юзак ва тахминий кўрсаткичлар билан узоққа бориб бўлмайди. Режа ва дастурларнинг манзиллиги, ислохотларнинг самардорлиги бу борадаги маълумотларнинг аниқ ва ишончлигига боғлиқ. Шу боис ҳам азалдан доноларимиз етти ўлчаб, бир кесмоқни насихат қилиб келди. Халқ мақоли эса яна ҳам ҳикматли: санамай, саккиз деманг!

Бу дунё — ҳисобли

Одамлар ҳисобини юритиш амалиёти илк бор Милоддан аввалги III миң йилликдан бошланган. Бу жараён дастлаб Осиё ва Африка давлатлари, Миср, Месопотамия, Хиндистон, Житой ва Японияни қамраб олган. Бу ислохотдан кўзланган мақсад солиқ тўловчилар ва аскарликка яроқли аҳоли сонини аниқлаш бўлган.

Илк ўрта асрларда мазкур тартибот бирмунча такомиллашган. Аҳолини ҳисобга олиш элементлари хўжалиқларнинг ёзма китоблар, кадастрлардаги тавсифлари билан уйғунлашган. Уларда одамлар ёки оилалар эмас, балки уй-жой каби солиққа тортиш бирликлари биринчи ўринга қўйилган.

Финляндияда XVI асрдаёқ аҳоли сони рўйхатини олиб бориш бошланган. Давлатнинг мақсади биринчи ўрин-

АҚШда одамлар ҳисобини юритишга киришилди. Бирок бу ҳисоб-китоблар бутун бошли аҳолини қамраб олмаган.

Нуфусни универсал рўйхатга олиш 1665 йилда Янги Франция (Квебек) колониясида бўлиб ўтди. АҚШда 1790 йилда тўлиқ аҳолини рўйхатга олиш ишлари олиб борилди. Ушундан ўн етти нафар полиция ходими мамлакат бўйлаб саёҳат қилиб, хонадонма-хонадон юриб, олтига саволга жавоб тўплашди: уй эгасининг тўлиқ номи, ун олти ёш ва ундан катта ёшдаги овоз оқ танли эркаклар, ўн олти ёшдан кичик бўлган овоз оқ танли эркаклар, овоз оқ танли аёллар, бошқа овоз шахслар ва қулар сони.

Уттиз йил ўтган, Италия, Испания, Англия, Ирландия, Австрия, Францияда рўйхатга олиш вақти келди. 1851 йилда Хитойда, кейин Японияда (1871) ва нихоят, Россияда аҳоли рўйхатга олинди.

Замонавий босқич XX асрнинг ўрталарида бошланди. Осиёнинг қатор мамлакатларида, шунингдек, Африкада аҳолини рўйхатга олиш ўтказилди. Бу янги мустақил давлатлар пайдо бўлиши билан боғлиқ эди. Утган асрнинг 70-йилларида Яман, БАА, Саудия Арабистони каби мамлакатларда биринчи марта аҳоли рўйхатдан ўтказилди. XX асрнинг охирига келиб, аҳолини рўйхатга олиш дунёнинг деярли барча ҳудудини қамраб олди.

Бугунги муаммоларни ечиш учун 30 йил олдинги фактлар яроқсиз

Дунёдаги ҳар бир мамлакат, ўзининг аҳолиси ва унинг яшаш ҳолати бўйича ишончли маълумотга эга бўлиш мақсадида мунтазам равишда аҳолини рўйхатга олади. Кўпчилик мамлакатларда бу жараён ҳар беш ёки ўн йилда амалга оширилади.

Ҳозир жаҳоннинг кўплаб ривожланган давлатларида аҳоли ўртача ҳар ўн йилда камида бир марта рўйхатдан ўтказилмоқда. Халқроқ амалиёт шундай! Бизда-чи? Ўзбекистон ҳудудида илк бор аҳолини рўйхатга олиш тадбири 1926, 1939, 1959, 1970, 1980 йилларда аҳоли рўйхатга олинган. Ушбу тадбир сўнги бор 1989 йилда ўтказилиб, ўша пайтда республикамиз аҳолиси 19,7 миллион кишини ташкил этган эди.

Амалдаги жорий ҳисобга кўра, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра

таҳлиллар қилишга етарлича имконият бермапти.

Мамлакатимизда 1989 йилдан кейин хали бирор марта ҳам аҳолини рўйхатга олиш ишлари бажарилмади. Бу масалани роппа-роса 30 йил орта суриб келдик. Шу тўғрисида демограф муаммоларимиз қалайли кетди. Одамларнинг ҳақиқий ҳаёт тарзини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам қўришга қатор қийинчиликлар вужудга келди.

Нихоят, БМТ 2015 йилнинг 10 июнида "2020 йилда аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш борасидаги принциплар ва тавсиялар" резолюциясини қабул қилди. Унга кўра, БМТга аъзо давлатлар камида бир марта аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олишни ўтказиши белгилаб қўйилди. Ҳозир МДХ давлатларида бу жараёнга тайёргарлик бошланиб кетган. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам! Президентимизнинг 2019 йил 5 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони бу борада ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу, шунчаки, расмиятчилик учун эмас!

Республикамизда аҳолини рўйхатга олиш бизга нима беради?

Аввало, аҳолининг аниқ сони, ёши, жинси, фуқаролиги, миллий таркиби (барча аҳоли пунктлари бўйича), оилавий аҳоли, маълумоти, касби, уй-жой билан таъминланганлик даражаси, меҳнат ресурслари, бандлиги ва ишсизлиги, даромад манбалари қабул қилинган батафсил маълумот тўпланади.

Бинобарин, мазкур кўрсаткичлар орқали аҳоли жон бошига тўғри келадиган макроиктисодий кўрсаткичлар ҳисобланади. Уз навбатида, юртдошларимиз миграцияси тўғрисида аниқ маълумотлар шакллантирилади.

Бундан ташқари, республика ва ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аёллар ҳамда болалар саломатлигини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқиш имконияти кенгайди.

Чунки, аҳоли пунктлари инфратузилмасини яхшилаш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва самарали жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муддатли прогнозлар, дастурларни ишлаб чиқишда бу маълумотлар низоҳатда қўл келади. Шунингдек, аҳолини рўйхатга олиш натижасида миллий барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш кўрсаткичларини шакл-

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШНИ ЎТКАЗИШ БОСҚИЧЛАРИ

Биринчи босқич (2019 – 2022 йиллар)	Иккинчи босқич (2022 йил ноябрь ойида)	Учинчи босқич (2022 – 2024 йиллар)
Аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказишга тайёргарлик қўриш (меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, (Вазирлар Маҳкамасининг қарори, дастурий маълумот, ташкилий ишлар) амалга оширилади.	Бевосита аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш ишлари бажарилади.	Аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг бирламчи маълумотлари жамланади, электрон базага киритилади, назорат ва таҳлил қилинади ҳамда натижалари эълон қилинади.

сита масъул. Бу жараёнга жалб этиладиган ҳодимлар турли ёшда ва ҳар хил касб эгалари бўлиши мумкин. Шунга қарамай, тадбирга, биринчи навбатда, Давлат статистика қўмитаси ва унинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари ходимлари, статистика йўналишида тахсил олаётган талабалар, магистрлар, шунингдек, таянч докторантуралар жалб этилиши мақсадга мувофиқ.

Аҳолини рўйхатга олувчилар учун услубий қўлланмалар ва видео дарсликлар ишлаб чиқилди ҳамда қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилади. Зарур ҳолларда, уларга қўшимча маслаҳатлар берилади.

Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишга ҳамда маълумотларни қайта ишлашга жалб этилган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш махсус ишлаб чиқилган ва тасдиқланган нормативлар асосида амалга оширилади. Жараёни Давлат бюджетни маблағлари ва қонун билан таққиланган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштириш қўзда тутилган.

Амалдаги меъёрий ҳужжатларга биноан, яқуний маълумотлар уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилларида) эълон қилиниши белгиланган. Чора-тадбирлар дастурига асосан, 2024 йил 1 декабрга қадар аҳолини рўйхатга олиш натижалари расман эълон қилинади ҳамда аҳолини рўйхатга олишнинг дастлабки

сидат давлат бошқаруви, махсус ваколатли давлат органи, рўйхатга олишни ўтказишга қўмақлаши бўйича Республика комиссияси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари, аҳолини рўйхатга олишда иштирок этувчи респондентлар ва рўйхатга олувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тартиби, тадбирларни молиявий таъминлаш асослари белгилаб берилган.

Айни пайтда Давлат статистика қўмитаси томонидан "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳияти, аҳолини рўйхатга олишнинг аҳамиятини тушунишни бўйича ахборот-тарғибот ишлари ҳам ички давлат таътириляпти. Шунингдек, аҳолини рўйхатга олиш жараёни билан боғлиқ бўлган норматив-ҳуқуқий ва илмий-услубий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, аҳолиимиз ўзларининг келажаги учун

тайёргарлик қўриш ишларида фаол иштирок этиш ва ҳамкорлик қилиш истagini билдириди.

9 — 13 декабрь кунлари Минск шаҳрида аҳолини рўйхатга олиш соҳасида Беларусь Республикаси Миллий статистика қўмитаси, жорий йил 27 — 31 январь кунлари эса Боку шаҳрида Озарбайжон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тажрибаси ўрганилди. Асосий эътибор мазкур давлатларда 2019 йилда бўлиб ўтган аҳолини рўйхатга олишнинг натижалари, жараёнлардаги муаммо ва қамчиликларни ўрганишга қаратилди. Шунингдек, аҳолини рўйхатга олиш дастури ва саволномаларини ишлаб чиқиш, синов тартибидеги аҳолини рўйхатга олиш тартиби, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаб бўйича электрон дастур яратиш юзасидан тажрибалари ўрганилди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Олдинда қилинадиган ишлар кўп. Уларни муваффақиятли бажариш сув ва ҳаводек зарур. Негаки, бу орқали Ўзбекистоннинг ҳар бир манзили, ҳатто чекка ва олис маҳалла кўчаларига алоқадор барча маълумотни ўзида ах элтирган ягона маълумотлар базасига эга бўламиз. Бу қимматли манбалар эса эртанги кунимиз фаровонлигига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Баҳодир БЕГАЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитаси раиси,
иктисодий фанлари доктори, профессор.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 456. 46 439 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғош бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52